



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 14 май

Сотувда эркин нархда № 96 (1877)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АЙЛАНДМ МИЛЛАТМ ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ОБРЎЛИ «КЛУБ» АЪЗОСИ

Мамлакатимиз Автомобиль ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилати (ОИСА) га қабул қилинди, — дея хабар қилади «Жалд» ахборот агентлиги мухбири Жўра ДЕҲҚОНОВ.

— Ўзбекистон жадаллик билан тараққиёт йўлида олға силжимоқда. Иқтисоднинг янги соҳаси — автомобильсозликнинг барпо этилиши мамлакатнинг катта ютуғи бўлди. Таалай моддий ва меҳнат ресурсларини, энг замонавий технологияларни талаб қиладиган ушбу мураккаб соҳа иқтисоднинг бошқа кўпга соҳалари билан уйғун равишда ривожланишида ва мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг Автомобиль ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилати (ОИСА)га қабул қилиниши Ўзбекистонда автомобилсозлик sanoati вужудга келишининг маншати давоми бўлди.

Ушбу воқеа мазкур ташкилотнинг 1998 йил 6 май кунини Парижда бўлиб ўтган беш конференциясида содир бўлди. Конференция ишида илк бор «Узавтосаноат» ассоциацияси раиси ўринбосари Б. Абдуқодиров раҳбарлигидаги мазкур уюшма вакиллари иштирок этдилар. Мамлакатимизнинг мазкур ўта обрўли «клуб»га қабул қилиниши Ўзбекистон эришляган ютуқларини халқаро ҳамжамият томонидан таъминлаш сифатида қараймиз, деб таъкидлади конференцияда Ўзбекистон делегацияси раҳбари.

Ўзбекистон Автомобиль ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилотининг қирқинчи аъзоси бўлди.

АЛОҚА

ТЕЗКОР ВА КАФОЛАТЛИ

Қорақалпоғистонда тезкор ва кафолатли телефон алоқасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Жумладан, Нукусда бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнидагина 33 минг нуқтали электрон рақамли станциялар ўрнатилди, — дея хабар қилади ЎзА мухбири А.ИСКАНДАРОВ.

Республиканинг Тўртқўла, Беруний, Бўстон, Тахташ, Хўжайли, Халқобод, Қўнғирот шаҳарлари, Нукус ва Кегейли туманлари марказларида телефон станциялари янгиланимоқда. Нукус шаҳри билан кафолатли алоқа ўрнатиш мақсадида 260 километрдан кўпроқ линия тортилла бошланди. Бу ишда япониялик мутахассислар ақидан ёрдам берилди.

ИШОНМАЙСИЗМИ?

ЕТТИ ХИЛ ЁЗУВНИ ҲАҚИДА

Ўзимизда, Ўзбекистонда яшар экан, — дея ҳайратланиб сўзлайди Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро «Олтин мерос» жамғирмаси раиси Худайберди Тўхтабоев. Кўчон шахридаги Ҳамза номи Алобийт музейида шайх ходим бўлиб ишлаган Аҳмадхон Маъиниёв қадимий кўлабларнинг етти шаклини ўқий олиши билан ажралиб туради. Чунки бундай подир истеъдод соҳиблари нафақат мамлакатимизда, балки дунёда саноқлидир. Хокиёв ва камсукум бу инсон Ватанимиз тарихини, энг ноёб ёзувлар битилган китобларни кўз қорачиқидек ардоқлайди.

ЖАВОБ

ЭНДИ «МЛАДШИЙ БРАТ» ЙЎҚ

Куйинчак газетхонлардан бири Қ. Одилов тахририга кўнглироқ қилиб, пойтахтимизда «Младший брат» деб ёзилган кафени қўриб ҳайрон қолганини хабар қилган эди. Кеча Яхясарой тумани ҳокимидадан жавоб келди. Унда ёзилишича, «Младший брат» кафеси аслида «Илуфар — Р» фирмасига тегишли бўлиб, номинини да эътиборсизликка йўл қўйилган. Мақола фирма жамоасида кўриб чиқилиб, бу вазият ном олиб ташланибди. Бу вазият қилиб савдо қорхоналарига ном бериш ва уларни руҳсатга олиш топоним комиссия билан келишилган ҳада амалга оширилиши таъкидланган.

АЖАБО

АБАДАЙНИ-ШАБАДАЙНИ...

Кўф-суф дея, телевизордан амаки туяни филага айлантирганидек, «Тинчлик» бекати бош муҳандиси Ашкер Р. ҳам ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, «Охунбобоев — Тинчлик» йўналиши бўйича кетайтиб бир вагон дизель ёнилмасининг қозғоғида номини бу сув, деб Учкудукка жўнатиб юборди.

Ушбу болайдим дея, икки қўлини ишқалаб турган бу «шайлармон»нинг шу вақтгача қанчалик ёнилмасини «сув» қилиб юборгани номалум-у, алмо унинг 79548657-рақамли вагонидан 107 тонна дизель ёнилмасини тельвовоз суви, дея қозғоғида қайд этилиши маълум.

Қаердан дейсанми? Яқинда Навоий бекати ТИИБ ходимлари ва Бухоро телмар йўл бўлими тафтишчилари ҳамкорликда тадбир ўтказишляган эди. Бекатда турган вагонлардан биридаги дизель ёнилмасининг ҳужжати аниқ-аниқ қилиб, тельвовоз суви, деб ёзиб қўйилгани уларни ажаблантирди.

Паҳотчи, янгилайимиз дея экспертиза ҳам қилиб кўришди. Бирок... вагонда ёнилмаси қозғоғи суви! Вожаиб, шу биринчи «ёнилмаси сувага айлантириш»нинг ўзи давлатга 263 минг 254 сўм зарар келтирибди, — дея хабарлайди транспорт ички ишлар бошқармаси катта инспектори Шўхрат Рўзиев.

Вагондаги ёнилмасининг қанча ва қаерда сувага айланиб қолгани қадрига бошланди. Ва...

Тергов двоимода ҳам бу йилгит суви қайтадан ўз ҳолига келтириш, яъни дизель модель айлантириш учун бир неча кўф-суф қилиб кўриди, алмо неадир бу сафар унинг сеҳрли дуалари иш бермади.

Телефонларини: 133-15-22, 136-35-60

133-07-48, 136-37-85



Савт ишларини Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

кистоннинг халқаро яҳудийлар ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришга ва айни пайтда Исроил билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Меҳмонлар Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритаётган сиёсат, мамлакатда ўрнатилган барқарор вазият, миллатлараро тотувликка юқори баҳо беришди. Ташриф давомида Самарқанд ва Бухородаги кўпгаб диққатга сазовор жойларни, яҳудий синагогаларини зиёрат этганларидан мамнуният билдиришди.

Сўхбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У. Исmoilов, Ҳ. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТўРАЕВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май кунини «Симон Визентал Маркази» Халқаро яҳудийлар ташкилотининг ташқи алоқалар бўйича директори Шимон Самюэлс раҳбарлигидаги ушбу ташкилот делегациясини қабул қилди.

Мазкур ташкилот 1977 йили тузилган бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қиладиган яҳудий миллатига мансуб 440 мингдан ортиқ кишини бирлаштиради. Унинг асосий мақсади иккинчи жаҳон уруши йилларида инсониятга қарши жиноят содир этган ёки бунга қўмқлашган шахслар ҳақида маълумот тўплаш ва уларни ҳуқуқ тартибдор органларига топширишдан иборатдир. Шунингдек, ташкилот фаолияти ирқчилик, халқаро террорчилик, неонацизм ғояларининг тарқати-



лиши, демократияга таҳдид, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши курашни қўллаб-қувватлашга ҳам қаратилган. Ташкилот саъй-ҳаракатлари ёрдамида иккинчи жаҳон урушида инсониятга қарши жиноят содир этган ва неонацизм ғояларини тарқатган мингдан ортиқ шахс ғош этилган. «Симон Визентал

Маркази» БМТ ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар, ЕХҲТ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ислом Каримов ташкилот фаолиятига юқори баҳо бера экан, ушбу ташрифни Ўзбекистон билан халқаро яҳудийлар ташкилотлари ва Исроил давлати ўртасидаги муносабатларни чу-

қурлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам, дея изоҳлади. — Иккинчи жаҳон уруши йилларида минггаб яҳудийлар Ўзбекистон заминидан бошпана топган, — деди Ислом Каримов. — Халқимизнинг бағрикенглиги, пурсаховатлиги туфайли шу кунгача юртимизда бирор марта антисемитизм ҳара-

катлари кузатилмаган. Ўзбекистонда кўпгаб синагогалар, Марказий Осиё диний семинарияси ва бошқа масканлар фаолият кўрсатиб турибди. Айрим шаҳарларимизда яҳудий маҳаллалар бор. Буларнинг барчаси ўлкаимизда миллатлараро тотувлик мустаҳкам қарор топганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари Ўзбе-

ПИЛЛА ТАРОЗИГА ТУШДИ

Мустақиллигимизнинг еттинчи йили баҳори ҳар жиҳатдан хайрли келди. Унинг ёрқин нишонларидан бири — пилла тарозига тушди. Мутахассисларнинг фикрича, бу йилги пилламинз бўлиқ, ҳосил — мўл. Айрим «кумуш тола» ижодкорлари мавсумнинг дастлабки кунларидаёқ ҳар қуту курт уругидан ўртача саксон ва ундан кўпроқ килограмдан ҳосил топширмоқда. Бунинг маъноси шунки, пилламинз гоёт сифатли, ундан тўқилган шойио атлас, беқасаму кашталар янада жилва ва жозибали бўлади.

Пилламинзнинг қадр,

унинг шўхрати яна тикланаётганини Президентимизнинг «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон юзасидан қабул қилган «Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори изчил ба-жарилаётганидан далолатдир.

Маълумки, мазкур Фармонга мувофиқ мамлакатимизда

«Ўзбек ипағи» уюшмаси, унинг таркибиде «Пилла-ҳолдинг» ва «Шойи» акциядорлик компаниялари ташкил этилди. Натижада пилла курти боқилдан тортиб тайёр маҳсулот олишга ҳам жараёнлар бирлаштирилди.

Ҳар шундай, кейинги вақтда пилла куртини боқиб ишлари ўлда-жўлда ташкил этиларди. Пиллакорлар турли фирма, компания ва хусусий қорхоналар билан шартнома тузарди. Уларнинг ҳаммаси ўз манфаатини кўлаб иш юртарди.

Эндиликда бу барча ишлар тартибга солинди. Энг муҳими — ипак курти боқиб, пилла топшириш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча муносабатлар аниқ шартнома асосига қўйилди. Бу эса, аввало, пиллакорларнинг ўз касбига меҳрини, меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширди. Мавсум олдинда уларга маълум миқдорда аванс берилди, тегишли анжомлар билан таъминланди.

Бу йилги мавсумнинг яна

бир жиҳати шундайки, тутзорларни янгилаш, ёш тутзорлар барпо этиш ишлари кенг авж олдириб юборилди. Бу эса пиллачиликни янада ривожлантириш билан бир қаторда юртимиз яшил белбоғларини кенгайтириш, ҳаво муҳитининг таъминлаш, тупроқ унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Ё. ИБРОҲИМОВ.

(ЎзА)

МУНОСАБАТ

Навоий вилояти ҳокимлиги кишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутасоадан раҳбарлари бизнинг саволимизга «Вилоятда давлатга галла сотиш 1997 йилги режаси бажарилган, яна нима дейсиз?» қабилида жавоб қилишди.

Тўғри, вилоятда ўтган йилда давлатга дон сотиш буюртмаси 105 фоизга оқиб этилди. Давлатга режодаги 66 минг 600 тонна ўрнига 69 минг 905 тонна дон сотилди. Бир қарашда ҳамма иш рисоладөгидек. Чўқурроқ мулоҳаза қилиб, ўрганиб кўриلسа, вилоятда галла етиштириш ва уни етказиб беришда талай имкониятлар бой берилгани маълум бўлади.

Бой берилган биринчи имконият сугориб экиладиган ерлардан олинган ҳосилдорликнинг кам бўлишидир. 45 минг 69 гектар майдондан 98 минг 421 тонна дон етиштирилди. Бу режанинг 85 фоизини ташкил этди. Ҳосилдорлик гектар бўйича 25,7 центнерга режалаштирилиб, амалда виллоят бўйича 22,5 центнердан ҳосил олинди. Бу кўрсаткич республикамиздаги энг паст натижалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Навобахор туманидаги «Учтут» жамоа хўжалигида галла экилган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 37,6 центнердан ҳосил олинган бир пайтда худди шундай шартнога эга бўлган Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 16,1 центнердан ошмади. Галла экилган 640 гектар майдоннинг ҳаммаси сугориб экиладиган ерлар эканлигини ҳисобга олсак, саволининг илдизи чиқарилди. Утган йили виллоятда 12 та хўжалик дон етиштириш ва давлатга сотиш режасини барбод қилди. Уларда ҳосилдорлик 16-24 центнердан ошмади. Қизилтепа туманида гарчи давлатга дон сотиш режаси 110 фоизга бажарилган

бўлсада, ўртача ҳосилдорлик 24,1 центнердан ошмади. Ёки дон ишлаб чиқариш режаси 83 фоизга бажарилди, холос. Туманидаги Навоий номи жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 23,3 центнерни, «Меҳнат-роҳат» жамоа

ният ҳисобланади. Навоий туманида Қодир Раҳимов номи ва «Ҳазора» жамоа хўжалиги бор. Иккала хўжаликнинг ҳам шароити даярли бир хил. Аҳолиси зич яшайди. Қодир Раҳимов номи жамоа хўжалиги ра-

дидлар. 646 гектар сугорилган ерга галла экилиб, йиллик режа барбод қилинди. Дон етиштиришда зено пудрати хўжалигида ўзини оқламади. Пахта етиштириш бундан-да аянчли бўлди. Йиллик режа 44,4 фоизда қолиб кетди. Чорвачилик бутунлай «издан чиқди».

Хўжалик раиси ишдан олинди, янги раис сайланди. Собiq раиснинг мутахассислиги ўқитувчилик экан. Бор-йўғи бир йил раис бўлибди. Эсиз вақт, эсиз масъулятли лавозим. Бир йилда шунча ўпирилиш.

Галла ўрим-йигими

Нурота, Конимех, Хатирчи туманларида қанчалик қанча майдонга уруғ экилди. Баҳор эса, серёгин ва лалми галла учун қўлай келди. Нурота туманидаги лалми ерларга уруғ эккан айрим хўжаликлар ўртача 10,8 центнердан ҳосил олди. Агар виллоят бўйича лалми галла учун қўлай майдонларнинг ҳаммасига уруғ экилганда эди, қўшимча равишда камиде 5 минг тонна дон олиш мумкин бўлар эди.

Виллоят бўйича 37 минг 200 гектар ерга кузги бугдой экилди. Ундан 113 минг 400 тонна дон етиштирилиши режалаштирилган. Бу гектарига 36 центнердан, дегани. Агар

биз айтиб ўтган ва бошқа яна қанчалик-қанча бой берилган имкониятлар чуқур таҳлил этилиб, шунга яраша иш тутилмаса, бу йилги режалар ҳам қозғоғида қолиб кетиши мумкин. Зеро, соҳа тараққиётининг тўрт қалити деб аталаётган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Кооператив хўжалиги (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Деҳқон-фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуналарини бир-бири билан боғлаб тургани бир чизик борки, у ҳам бўлса, ер ва ундан фойдаланиш муносабатларидир. Ислохотчи чуқурлаштириш учун ана шу манба асос қилиб олинди. Бундан тўғри хулосалар чиқариш кишлоқ хўжалик ходимлари, раҳбарлари, мутахассислари ҳукмига ҳавола.

Виллоятда галла етиштиришнинг яна бир катта имконияти — лалми ерлардан унумли фойдаланилмади.

Порда ЖУМАЕВ.

ҲИММАТ ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСИН

Олмаликдан хушхабар келди: «Нима дейсиз, кон-металлургия комбинати ўз маблаг ҳисобидан шаҳар транспортчиларига иккита янги троллейбус совға қилганмиш. Савоб талаб кишининг отасига раҳмат-э...»

Маълум бўлишича, ҳозирги пайтда шаҳар йўналишлари бўйлаб қатнаётган 19 та троллейбуснинг бир қисми ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Олмалик кон-металлургия комбинати шунинг назарда тутиб, транспорт хўжалигини ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшапти. Россиянинг Саратов шаҳридан келтирилган замонавий троллейбуслар учун 20 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Эндиликда улар шаҳар аҳолисининг узюғини яқин қилмоқда.

Комбинат ўтган йили ҳам олмалиқлик транспортчиларга иккита троллейбус туҳфа этган эди. Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, дегани шу-да.

Т. НОСИРОВ.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Хоразм вилояти ички ишлар органлари ходимлари яхши ташаббус бошлашди. Улар бир кунлик маошлари ҳисобидан виллоятдаги камхарж оилаларнинг олти юз нафар аъзосига Ўзбекистон Республикаси паспортларини бепул расмийлаштириб, ёрдам беришга аҳд қилишди.

Урганч шаҳар ҳокимлигида виллоят марказидаги камхарж оилалардан эллик кишига бепул расмийлаштирилган паспортларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ — ГЕРМАНИЯДА

Германиянинг Кельн шаҳрида «Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати: анъаналар ва тараққиёт ўртасида» деб номланган кўргазма очилди.

Буюк рассомлар ва мутафаккирларни вожа сўзга...

«Хам дарс ўтаммиз, ҳам уйнаймиз». Гулистондаги «Кувонч» болалар боғчасидаги машгулотлар ҳар доим ана шундай руҳда олиб борилади.

Ақмал Нуриддинов, Гофур Қодиров, Файзулла Аҳмадалиев, Файрат Бойматов ва бошқа мўйқалам усталари яратган асарлар фоторепродукциялари ва улар тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

қозонаётгани қувонарли ҳолдир. Германия жамоатчилиги илк бор юксак маҳоратли ва санъатдаги ўзига хос анъаналари билан ажралиб турадиган таниқли ўзбек рассомлари асарлари билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Райхгард Шарпер: — Хизмат тақозоси билан Ўзбекистонда бир неча марта бўлишга мўъссар бўлганман.

Баъзан «нега гулни шунча яхши кўрасиз?» деб сўрашди. Бу савол менга: «Нема учун нонни, сувни яхши кўрадилар» дегандек эшитилди.



ГУЛЛАРДАН ҚАРЗДОРМАН

лигимизда доғимиз саҳнидаги каттагина майдонча гуллар учун алоҳида ажратилган. Ўша гулзорда намоёнамгул, қиёгул, райхону жамбилдан тортиб, атиргулларнинг деярли барча хиллари чаман-чаман бўлиб очилиб ётарди.

риб элга гул тақдим қилиш осон иш эмас, албатта. Фақат бир нарсга унчалик тўшунмайман: нега энди гулдаста ясаш учун гулларга жабр қилиб бандларнинг кесиб, ҳаво ўтказмайдиган шилдиқроқ қозғоларга ўраб сотасизлар? Ахир, гулларнинг ўзи шундоқ ҳам чиройли-ку!

— Аввало чиройли қилиб ясалган ўша гулдастани сиз айтган шилдиқроқ қозғолдан ажратмай сувга солиш керак. Қолаверса, биз уларнинг бандларини атайлаб узмаймиз. Қас-содлар ҳам суякни гуштининг орасига берки-тиб соттандаридек, гулчилар ҳам узилган ёки шикастланиб кўрмисиз бўлиб қолган гулларни гулдаста қилиб, чиройли қозғоларга ўраб сотишга мажбур бўлишди.

Қайсидир йили ижарада турганимизда кўп қаватли уйимиз ёнидаги мўъжазгина томоқкага бир ҳовуч жамбил уруғидан сеппи қўйгандик. Тез кунда эккан жамбилимиз саба бўлди.

Дунёдаги жамики гузалликларнинг дебочаси гуллар. Биз гуллардан андоза олиб ўзимизга оро берамиз, қўйлақлар тиктирамиз, уйлариимизни ястамиз, фарандаларимизга исм танлаймиз, ташбех топамиз, шеър ёзамиз.

Гуллар шафқатсизликни ёмон кўрадилар. Уларга меҳрингиз тўшидими — эҳтиёткор бўлишингиз, авайлашингиз шарт. Акс ҳолда... Шундай экан, гулларни севинг! Гуллардан юз ўтирманг. Гуллардан уялманг. Гуллар сизни меҳрибон ва кучли қилиб қўяди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

«Кувонч»нинг қувноқ кичкинтойлари

«Хам дарс ўтаммиз, ҳам уйнаймиз». Гулистондаги «Кувонч» болалар боғчасидаги машгулотлар ҳар доим ана шундай руҳда олиб борилади.

Болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам машгулотларнинг тизилтигидан чўчимайдилар. Негаки, бу ерда болалар билан малакали педагоглар ишлашади.

Суратларда: жисмоний тарбия ўқитувчиси Светлана Цой тайёрлов гуруҳи билан машгулот ўтказмоқда; инглиз тили Умида Ҳақжоновна учун севишли машгулот; боғчадаги физиотерапия хонаси.

Б. ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

СПОРТ

«СЎҒДИЁНА» ЕТАҚЧИЛИК ҚИЛМОҚДА

Жиззахнинг «Сўғдиёна» командаси биринчи бор футбол бўйича мамлакат чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасида етакчи бўлиб олди.

20 очко тўплаган «Пахтакор» иккинчи, 19 очкога эга бўлган «Навбахор» учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бундан қўйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Андижон» — МҲСК — 3:0, «Сурхон» — «Металлург» — 4:0, «Бухоро» — «Косонсой» — 4:1, «Хоразм» — «Пахтакор» 0:0, «Сўғдиёна» — «Зарафиш» — 3:1, «Темирўйчи» — «Навбахор» — 1:1, «Нефтчи» — «Насаф» — 1:1, «Трактор» — «Дўстлик» — 1:0.

АЗИДОЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ МУВАФАҚИЯТ

Қозғистонда дзюдо бўйича хотин-қизлар ўртасида халқаро мусобақа бўлди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозғистон спортчилари иштирок этди.

Ўзбекистонлик Марина Михеева 70 килограммлик вазн тоифасида ғалаба қозониб, олтин медални қўлга киритди.

ТАГОРГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳиндистон элчихонаси маданий марказида дўст мамлакатнинг буюк адаби ва жамоат арбоби Рабиндранат Тагор тавалудига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечада Тошкент давлат шарқшунослик институти олимаси Тамара Ҳўжаева, таниқли ўзбек адиблари Ҳамид Гулом, Пиримқул Қодиров, Жуманиёв Жабборов ва бошқалар Тагорнинг ижоди, адабий мероси тўғрисида сўзлаб, серкўра ижодкордан элликлан ортиқ шеърини тўплаб, ўнлаб роман, қисса ва пьесалар, юзлаб қўшиқ ва тасвирий санъат асарлари мерос қолганини тазкиладдилар.

Тағбирда Тагор яратган мусиқа асарларидан намуналар, унинг шеърларида басталанган қўшиқлар ижро этилди.

OGU'98

Сизни

«НЕФТЬ ВА ГАЗ - 98»

Ўзбекистон иккинчи халқаро кўргазмасига таклиф этаммиз.

Кўргазма 1998 йил 19-21 май кунлари Республика савдо-кўргазма маркази «Ўзэкспомарказ» да бўлади.

Кўргазманинг ишлаш вақти: Сешанба, 19 май 13.00-18.00; Чоршанба, 20 май 10.00-18.00; Пайшанба, 21 май 10.00-16.00.

Шунингдек, Сизни

«НЕФТЬ ВА ГАЗ - 98»

Ўзбекистон иккинчи халқаро конференциясига таклиф этаммиз. Конференция

1998 йил 20-21 май кунлари «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент ш., Амр Темури кўчаси, 107-А.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан БОЙСУНДА АЛПОМИШ ЎТОВЛАРИ

Алпомиш юрти — Бойсунда дoston яратилганлигининг минг йиллигига тайёргарлик муносабати билан улкан бoғ барпо этиш учун 25 гектар майдон ажратилди.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 14 майда республикамизнинг барча ҳудудларида ёғингарчилик бўлмади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир Аббосхон АСНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ ҚОШИДАГИ ЛИЦЕЙ. Ўғил ва қиз болаларни ўқишга қабул қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширади: 22.45 1 2 3 4 5 6.